

БОЛОНЬЯ ШАРТНОМАСИ ВА ECTS (EUROPEAN CREDIT TRANSFER SYSTEM - ЕВРОПА КРЕДИТ ТРАНСФЕР ТИЗИМИ)

Хусайнова Фирзуза Тохировна,

Тошкент давлат юридик университети

Умумтаълим фанлар ва маданият

кафедраси катта ўқитувчиси

e-mail: fayruzakhusainova@gmail.com

Таълим жамиятнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Халқнинг келажаги ва унинг интеллектуал ва маънавий ривожланиши кўп жиҳатдан ижтимоий институтлар, таълим муассасаларининг тузилиши, унинг турли хил ўқув фанлари, маълумот тақдим этиш усуллари билан ўзига хос тўйинглантигига боғлиқ. Шунинг учун барча ривожланган мамлакатларда давлатнинг асосий функцияларидан бири бўлган таълимни амалга ошириш учун ҳар йили унга инсон ва моддий ресурсларнинг катта миқдори сарфланади.

Аммо шуни ҳам таъкидлаш жоизки, таълим тизими унинг барча элементлари билан уйғун холда олиб бориладиган янгиланишга муҳтож.

Таълим тизимини ана шундай модернизация қилиш усулларидан бири – Болонья тизимиdir. Ушбу тизимнинг асосий мақсади – олий таълим учун ягона майдон яратиш.

1999 йил 19 июнда Италияning Болонья шаҳрида қабул қилинган Болонья шартномаси барча Европа мамлакатларининг таълим тизимларини яқинлаштириш жараёнини бошлаб берди.

Европанинг турли мамлакатларининг таълим тизимларини яқинлаштириш, унификациялаш ва бирлаштириш масаласи ўтган асрнинг 70-йиллари ўрталарида пайдо бўлди. 1999 йил 19 июнда Болонъяда ушбу жараёнга бағищланган маҳсус конференцияда 29 та Европа давлатларининг таълим вазирлари Болонья декларациясини қабул қилдилар ва ушбу сана бу жараённинг расмий санаси деб белгиланди.

Болонья жараёнининг асосий мақсадлари:

- иш билан таъминлаш имкониятлари билан фуқароларнинг мобиллигини ривожлантиришнинг асосий йўналиши сифатида Европа олий таълим ҳудудини қуриш;
- таълим сифатини ошириш;
- талабалар учун кураш ва таълим фаолиятини ресурлар билан бойитиш мақсадида Европа олий таълим муассасаларининг бошқа таълим тизимлари билан рақобатдошлигини таъминлаш;
- миллий олий таълим тизимларининг юқори мувофиқлиги ва таққосланишига эришиш;
- Европа мамлакатларининг интеллектуал, маданий, ижтимоий ва илмий-техник салоҳиятини шакллантириш ва мустаҳкамлаш;
- дунёда Европа олий мактаби нуфузини ошириш;
- Европа маданий қадриятларини ривожлантиришда Европа онгини ташувчиси сифатида кўриладиган университетларнинг марказий ролини ошириш.

Болонья декларациясида етти асосий қоидалар мавжуд:

- таълим сифатини ва сифат кафолатини таъминлашда Европа ҳамкорлигига кўмаклашиш;
- олий таълим муассасасида таълим сифатини ички назорат қилиш тизимларини жорий этиш ва унинг фаолиятини ташқаридан мустақил баҳолаш мақсадида барча манфаатдор томонларни – академик ҳамжамият, давлат вакиллари, талабалар ва иш берувчиларни жалб этиш;

- Европа фуқароларини иш билан таъминлаш имкониятларини ва Европа олий таълим тизимининг халқаро рақобатдошлигини ошириш мақсадида диплом иловасини юритиш орқали таққосланадиган даражалар тизимини қабул қилиш;

- икки босқичли таълимни жорий этиш: бакалавриат ва магистратура;

- ECTS (European Credit Transfer System) асосида талабаларга ўрганилаётган фанларни танлаш ҳуқуқини бериш;

- таълим соҳаси талабалари, профессор-ўқитувчилар таркиби ва бошқа тоифадаги ходимларининг Европа минтақасида ишлаш вактини ҳисобга олган ҳолда мобиллигини ривожлантириш. Трансмиллий таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- олий таълимни татбик этишда анъанавий Европа ёндашувини, айниқса ўқув режалари, муассасаларо ҳамкорлик, ҳаракатчанлик схемалари ва қўшма ўқув дастурлари, амалий тайёргарлик ва илмий тадқиқотлар олиб бориш ишларини қўллаб қувватлаш ва ривожлантириш.

Болонья жараёни ўзига хос тарихга эга. У ўнлаб йиллар давомида Европа олий таълим тизимининг илдизида шаклланган. Европа олий таълим мактабида босқичлар (бакалавриат ва магистратура) анча олдин шаклланган, талабалар ва ўқитувчиларнинг академик мобиллиги ривожланган ва турли академик кредитлардан фойдаланилган. 1957 йили Римда имзоланган келишувда Европа олий мактабига умумевропа мақомини беришга ҳаракат қилинган. Вакт ўтиши билан ушбу ғоя Европа таълим вазирларининг 1971 ва 1976 йилларда бўлиб ўтган конференция қарорларида, 1992 йил Маастрихт шартномасида ривожланган. Кейинги йилларда Европа Иттифоқи, Европа Кенгаши ҳомийлигида, олий таълимнинг трансмиллий муаммоларини ҳал қилишда умумий ёндашувларни ишлаб чиқишга ёрдам берадиган турли хил дастурлар жорий этилди. Бу дастурларда олий таълимга кириш имкониятларини кенгайтириш ва талабаларнинг академик мобиллигини ошириш, таълим соҳасидаги миллий қонунчиликни умумевропа нормаларига мослаштириш, ҳаёти давомида ўқитиш тизимини яратиш ва таълим дастурлари ва тизимларини яқинлаштириш масалалари ўз аксини топди¹.

Барча мутахассисларнинг яқдил фикрича, Болонья тизимининг бошланғич нуқтаси деб, 1988 йил - Европадаги энг қадимги университетнинг 900 йиллигини нишонлаш мақсадида Европа университетлари ректорлари иштирокида Болонья шаҳрида ўтказилган йиғилишда белгиланган. Улар томонидан қабул қилинган “Университетларнинг Буюк хартияси”² хужжатида келгуси учинчи минг йилликда университетнинг ўсиб борадиган роли таъкидланиб, университет фаолиятининг фундаментал тамойиллари - автономлик, ўқитиш бирлиги ва илмий изланишлар белгиланди. Буюк Хартия Европа университетларини ўзаро маълумот ва хужжатлар алмашинувини қўллаб-қувватлаш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, ўқитувчилар ва талабаларнинг мобиллигини рағбатлантириш, ўхшаш мақомга эга эквивалент даражалар институти учун умумий сиёsatни ишлаб чиқиш ва билимларни шаффоф назоратини амалга оширишга чақириди³.

Болонья жараёнига кейинги қадам Европанинг 43 мамлакати томонидан “Европа минтақасида олий маълумотга оид малакаларни тан олиш тўғрисида” (1997) Лиссабон конвенциясини имзоланиши бўлди. Буюк Хартия қоидаларига асосланиб, Конвенция Европа минтақасидаги маданий, ижтимоий, сиёсий, фалсафий, диний ва иқтисодий хилмачилликни акс эттирувчи таълим тизимларининг жуда хилма-хиллигини тан олди ва университетларнинг хорижий дипломлар ва малакаларни тан олиш ҳуқуқларини кенгайтириди. Лиссабон конвенциясида “нострификация” ва “эквивалентлик”

¹ Капранова, В.А. Образовательные реформы: отечественный и зарубежный опыт /В.А.Капранова. Монография. Минск: БГПУ, 2007. С.24.

² The Magna Charta of University. – Bologna, 18 September 1988.

³ Байденко В.И. Болонский процесс: структурная реформа высшего образования Европы. М., 2002. С.2

тушунчалари ўрнига ягона “тан олиш” атамаси киритилди. 25 та олий маълумот дипломларини таққослаш жараёнида таққосланётган таълим дастурларининг ўкув режаларидаги ўхшашлик ёки фарқларни аниқлаш эмас, балки мурожаат этувчининг юқорироқ даражадаги ўқиши давом эттиришда у эга бўлган билимларни таққослашга асос солинган эди⁴. Келишувларга мувофиқ, Европа минтақаси олий маълумотига оид малакаларни тан олиш бўйича доимий фаолият юритувчи Қўмита ташкил этилган. 1994 йили Конвенцияни амалга ошириш механизми сифатида Европа Кенгаши ва ЮНЕСКО ҳомийлигида ташкил этилган ENIC (European Network of National Information Centres on Academic Mobility and Recognition) миллий ахборот маркази тармоқлари тасдиқланди.

1998 йил 25 майда Сорбоннада Буюк Британия, Германия, Франция ва Италия томонидан имзоланган “Европа олий таълим архитектурасини уйғунлаштириш тўғрисида”ги қўшма декларацияси қабул қилинди. Кўпгина мутахассисларнинг таъкидлашича, ўринли топилган “архитектурани уйғунлаштириш” ибораси “унификация” ва “стандартлаштириш” каби атамаларга бўлган эътиrozларни олиб ташлашга имкон берди ва келгуси ўзгаришларнинг ташки, таркибий хусусиятига яна бир бор ишора қилди. Шундай килиб, Европа мамлакатларида 2010 йилга кадар олий таълимда миллий таълим тизимларини уйғунлаштириш асосида ягона стандартлаштирилган таълим тизимини қуриш мақсади шакллантирилди. Бу эса иштирокчи мамлакатлар фуқароларининг бандлигини ва мобиллигини оширишга имкон беради ва Европа олий таълим тизимини талабалар ва бошқа мамлакатлардан келган ўқитувчилар учун янада жозибали қиласди⁵.

Болонья декларациясида Европа университетларини ECTS (European Credit Transfer System - Европа Кредит Трансфер тизими) тизимига ўхшаш академик кредитларнинг ягона тизимини жорий этишга чақирилган, яъни:

- талабаларнинг кенг қўламли мобиллигини қўллаб-куватлаш;
- таълим сифатини таъминлаш ва шу мақсадлар учун таққосланадиган мезонларни ва назорат қилиш усусларини ишлаб чиқиш учун Европа миқёсидағи ҳамкорликни кучайтириш;
- мобиллик доирасида қўшма таълим ва тадқиқот дастурларини ишлаб чиқиш⁶.

2001 йилда Европанинг 32 та таълим вазирлари тизимнинг дастлабки натижаларини кўриб чиқиш мақсадида Прагада йиғилдилар ва Кўшма коммюнике қабул қилдилар. Болонья хужжатида биринчи маротаба “талабалар олий таълим жамиятининг тўлақонли аъзолари эканлиги ва уларни “Европа олий таълим майдонини яратишда ваколатли, фаол ва конструктив шериклар” деб номланишига эътибор қаратилди⁷.

Агар Болонья декларациясида олий таълимнинг икки даражаси конкретлаштирилмаган ва умумий номлар билан юритилган бўлса, Прагада таълим вазирлари томонидан қайд этилган Европа минтақаси миқёсида икки босқичли олий таълим тизимини жорий этишнинг номлари берилган – биринчиси “бакалавр”, иккинчиси – “магистр”.

ECTS тизими Европа университетлари учун ягона академик кредит тизими сифатида ўз мавқеини мустаҳкамлашда давом этди. Шу муносабат билан Коммюнике унинг ўтказувчанлиги (transferability) ва тўпланиши (accumulation) функцияларини таъкидлаб,

⁴ Convention on the Recognition of Qualifications Concerning Higher Education in the European Region. – Lisbon, 11 April 1997.

⁵ Капранова, В.А. Образовательные реформы: отечественный и зарубежный опыт /В.А.Капранова. Монография. Минск: БГПУ, 2007. С.25.

⁶ Bologna Declaration. Joint Declaration of the European Ministers of Education Convened in Bologna on the 19th of June 1999.

⁷ Towards the European Higher Education Area. Communiqué of the Meeting of European Ministers in Charge of Higher Education in Prague. – May 19th, 2001. P.1.

диплом иловаси Европа олий таълимининг жозибадорлиги ва рақобатдошлигини оширишда муҳим аҳамиятта эгалитиги яна бир бор тасдиқланди.

ECTS кредитлар тизими ўқишни бир Европа олий таълим муассасасидан бошқасига кўчиришда таълимни ўлчаш усули ва натижаларини таққослашга хизмат қилади. Ушбу тизимни ишлаб чиқиши ва амалиётга жорий этишдан мақсад Европа олий таълим муассасаларининг ўзаро яқин ҳамкорлигига эришишдир, яъни: хорижий ўқув дастурлари билан танишиш имкониятини енгиллаштириш ва академик тан олишни таъминлаш. Шунингдек, ушбу тизимдан мамлакатнинг бир ёки бир неча олий таълим муассасалари доирасида фойдаланиш мумкин⁸.

ECTS тизими 1989 йилда ERASMUS/SOCRATES дастури доирасида жорий қилинган ва Европа университетларида муваффақиятли синовдан ўтган ягона тизимdir.

Европадаги бир қатор кредит тизимлари орасида айнан ECTS тизими энг катта эътирофга сазовор бўлди. ECTS дастлаб талабалар ўқишини бир олий таълим муассасасидан иккинчисига ўтказганда кредитни кўчириш учун мўлжалланган эди. Тизим хорижда ўқиш даврларини тан олишга ёрдам берди ва шу билан Европада талабалар харакатчанлиги ва сифатини оширишга имкон туғдирди⁹.

Болонъя декларациясида ECTS тизими факат мисол тариқасида қайд этилган, аммо ҳеч қандай бошқа Европа тизими пайдо бўлмаган. Аксинча, ECTS тизими тезда бутун Европага тарқалди ва кўплаб янги олий таълим тўғрисидаги қонунларга киритилди. Унинг асосий афзаликлари:

- хорижда ўқиш муддатларини тан олишни осонлаштириди;
- талабаларнинг реал юкламасининг юқори даражадаги шаффофлиги;
- ECTS зарурӣ ислоҳотлар тасавурларига юқори даражада мослиги;
- индивидуал ўқув дастурларини белгилашда катта эгилувчанлиги.

ECTS ўқув дастурларини ўқишини ва таққослашни осонлаштиради. У етказиб бериш режимидан қатъий назар, барча турдаги дастурларда, шунингдек, ҳаёт давомида таълим олиш (lifelong learning – LLL) мақсадларида фойдаланиши мумкин. ECTS мобил ва номобил талабаларга ҳам хизмат қилади: ундан олий таълим муассасасида ва бошқасига кўчиришда фойдаланиш мумкин. ECTS мамлакатлар ўртасида, мамлакат, шаҳар ёки минтақа ичида ва ҳар хил турдаги муассасалар ўртасида ҳаракатланадиган талабаларга ёрдам беради. Бундан ташқари, тизим ўз-ӯзини ўрганиш ва иш тажрибасини қамраб олади. Шу сабабди машхур “ECTS” қисқартмаси энди “Европа Кредит Трансфер тизими” деган маънони англатади¹⁰. Европа Кредит Трансфер тизимининг асосий хусусиятлари:

- ECTS кредитлари;
- талабаларнинг ўқув юкламалари;
- ўқув натижалари ва компетенциялари;
- ECTS баҳолаш шкаласи.

Шундай килиб, кредит тизими иккита асосий функцияни бажаради.

Биринчиси, бошқа олий таълим муассасасида (ёки бошқа факултетда) олинган курсларни хисобга олиш – бусиз талабаларни тайёрлашда академик мобиллик ва мослашувчанликка эришиш мумкин эмас.

Иккинчи функция – тўплашдир. Талаба турли сабабларга кўра вақтни “қисмларга бўлиб”, таълим муассасасини ўзгартириб таълим олиши мумкин. Агар курснинг эскирганлиги сабабли аниқ натижалар ҳақиқий бўлмай қолса зачет бирликлари

⁸ Обзор зарубежных кредит-систем (по материалам научных исследований, выполненных МГУ им. М.В.Ломоносова в рамках проекта ФПРО 2005 года и национального проекта 2006 года), С 5.

⁹ Методические рекомендации по внедрению в вузе системы зачетных единиц (кредитов) / [Текст] / Государственный университет управления, Центр качества; [сост. О.В. Давыдова, В.И. Звонников, М.Б. Чельышкова] – М.: ГУУ, 2010. С.9.

¹⁰ Методические рекомендации по внедрению в вузе системы зачетных единиц (кредитов) / [Текст] / Государственный университет управления, Центр качества; [сост. О.В. Давыдова, В.И. Звонников, М.Б. Чельышкова] – М.: ГУУ, 2010. С.10.

қўшилмайди. Бошқа барча ҳолларда талаба тегишли илмий даражани (бакалавр, магистр) олиш учун тўплаши лозим бўлган бирликларга қўшилиб боради. Албатта, кредитларни ўтказиш ва тўплаш имконияти олий таълим муассасалари ўртасидаги ишонч ва ўқув дастурларининг таққосланишига боғлиқ.

ECTS тизими - таълим дастурларини тавсифлашнинг расмийлаштирилган усули бўлиб, унинг таркибий қисмларига (фанларга, курсларга ва бошқаларга) кредит ажратади.

Хозирги кунда ECTS кредитларни йиғиш ва қайта ҳисоблаш бўйича бутун Европа тизимига айланмоқда. Кредитларни тўплаш шуни англатадики, талаба бакалавр ёки магистр даражасига эга бўлиш учун белгиланган кредит микдорини тўплаган тақдирдагина тегишли даражага эришади. Кредитларни кўчириш талаба ўқиган олий таълим муассасаси, ўтаётган олий таълим муассасаси ва талабанинг ўзи имзолаган шартнома билан кафолатланади¹¹.

Фарб эксперталарининг фикрича, Болонья жараёни ёки Болонья ислоҳотлари Европа олий таълим тарихидаги энг кенг кўламли ислоҳотдир.

Бугунги кунга келиб Болонья жараёнида 48 давлат қатнашмоқда:

1. Австрия	17. Исландия	33. Россия
2. Озарбайжон	18. Испания	34. Румыния
3. Албания	19. Италия	35. Сербия
4. Андорра	20. Қозоғистон	36. Словакия
5. Арманистон	21. Кипр	37. Словения
6. Белгия	22. Латвия	38. Туркия
7. Болгария	23. Литва	39. Украина
8. Босния ва Герцеговина	24. Лихтенштейн	40. Финляндия
9. Ватикан	25. Люксембург	41. Франция
10. Буюк Британия	26. Македония	42. Хорватия
11. Венгрия	27. Малъта	43. Чехия
12. Германия	28. Молдова	44. Черногория
13. Греция	29. Нидерландия	45. Швейцария
14. Грузия	30. Норвегия	46. Швеция
15. Дания	31. Польша	47. Эстония
16. Ирландия	32. Португалия	48. Беларус

Болонья декларациясини биринчи бўлиб Европа Иттифоқига аввал аъзо ва аъзоликка номзод бўлган мамлакатлар, шунингдек Исландия, Лихтенштейн, Норвегия, Швейцария қабул қилишган. 2001 йилдан бошқа мамлакатлар ҳам қўшилган ва 2020 йилга келиб ушбу жараёнда 48 та давлат иштирок этмоқда¹².

Хозирги вақтда илмий ва педагогик давраларда Болонья жараёнининг фаол муҳокамаси бўлиб ўтмоқда. Натижада, қўпинча қўйидаги савол туғилади: “Болонья жараёнининг ижобий ва салбий томонлари қандай?” Ушбу масала бўйича фикрлар доираси жуда катта: жараённи сўзсиз қўллаб-қувватлашдан тортиб то уни тўлиқ инкор этишгача. Шунинг учун Болонья жараёнининг ижобий ва салбий томонлари нимада эканлигини аниқлаш керак.

Аввало, Болонья тизимининг афзалликларини таъкидлаш керак. Болонья жараёнининг биринчи ижобий томони - бу олий таълим тизимини икки босқичга, яъни

¹¹ Сафонова, Т.Н. Из опыта применения европейской системы зачетных единиц (ECTS) / Т.Н.Сафонова // Труды 7-й международной научно-практической Интернет-конференции «Преподаватель высшей школы в XXI веке» - Ростов н/Д: Рост. гос. ун-т путей сообщения - 2009. - Сб. 7 - Ч.1. С.247 – 252.

¹² Европейское высшее образование. Что такое Европейское пространство высшего образования? <https://eurounis.com/2020/02/19/evropeiskoe-prostranstvo-vishshego-obrazovaniya/>.

бакалавриат ва магистратурага бўлинишидир. Бундай тизим биринчи навбатда касбий тайёргарлик даражасини оширишга имкон беради. Бакалавриатни тугатгандан сўнг, талаба юқори касбий мақомга эга бўлиш учун магистратурага ўқишга кириши мумкин. Бошқа томондан, ушбу тизим доимий равишда ўзгариб турадиган бозор шароитида тайёргарлик йўналишини ўзгартиришга имкон беради. Бундан ташқари, талаба бакалавриатни бир мутахассислик бўйича тугатиб, магистратурада бошқа мутахассислик бўйича таълим олиш имкониятига эга бўлишига йўл қўйилади.

Болонъя тизимиning яна бир шубҳасиз афзаллиги – талабаларнинг мобиллиги. Бу талабани маълум мамлакатдаги олий таълим муссасасида ўқиши бошлаб, бошқа мамлакатдаги олий таълим муассасасига ўқишини кўчириб, тегишли олий маълумот тўғрисидаги дипломни олган ҳолда тугатиш мумкинлигини англатади. Бундан ташқари, келажақда Болонъя жараёнида қатнашувчи мамлакатларнинг дипломларини ягоналаштириш режалаштирилган. Бу эса мамлакатлар бўйлаб муносиб иш топишга имкон беради.

Учинчи ижобий жиҳат шундаки, Болонъя жараёни олий маълумотли мутахассислар учун рақобатдош бозорни яратиш учун шароит яратади.

Бирок, Болонъя тизимида афзалликларидан ташқари, камчиликлари хам мавжуд. Эътибор қилиш керак бўлган биринчи камчилик – бу олий таълим муассасасида ўқиши вақтининг қисқариши. Ушбу янгилик, шубҳасиз, талабанинг тайёргарлик сифатига таъсир қиласи. Бундан ташқари, бакалавриатни тугатгандан сўнг, кўпчилик тўхтаб, ўқиши давом эттирмайди, бу босқичда улар фақат базавий билимларни оладилар, кейинчалик бу билимлар амалиётда етарли бўлмаслиги мумкин.

Эътибор беришга лойик бўлган кейинги камчилик – бу талабанинг мустақил таълими ва мустақиллиги. Мустақил таълим аудитория соатларини қисқартирилишини ва мустақил тайёрланиш учун вақтни кўпайтирилишини назарда тутади. Бу камчилик деб ҳисобланишига сабаб – мустақил таълим учун ажратилган вақтни талаба доимо ҳам ўқишига ажратмаслиги мумкин.

Яна бир савол туғилади: “Болонъя жараёнида иштирок этадиган мамлакатларни қандай қийинчиликлар кутмоқда?” Аксарият мутахассислар молиятлаштириш каби муаммога ишора қилмоқдалар. Таълим соҳасидаги ислоҳотлар катта маблағ талаб қиласи. Маълумотларга кўра, ўтиш даврида Болонъя жараёнига қатнашадиган мамлакатлар, қоида тариқасида, миллий таълим вазирларлари ва алоҳида университетлар бюджетининг ярмидан кўпини (60% гача) сарфлайдилар.

Саволларнинг аксарияти талабаларнинг академик мобиллиги билан боғлиқ бўлиб, бу катта маблағ талаб қиласи (транспорт харажатлари, турар жой, ўкув тўловлари). Ғарбий университетлар турли мамлакатларнинг талабаларини ўқишига таклиф қилмоқдалар, аммо улар ўқиши хақини оладилар. Шубҳасиз, бадавлат оиласардан бўлган талабаларгина харажатларни ўз зиммаларига олишлари мумкин, бу эса сифатли рақобатдош таълим олишда тенгсизликка олиб келади.

Аклли инсонлар (талабалар ва ўқитувчилар)нинг хорижга чиқиб кетиши ҳақида ҳеч ким баҳслашмайди. Бир неча хорижий тилни биладиган, шунингдек, уларни чет тили мухитида яхшилаган, иш шароитлари билан танишган ва маҳаллий тенгдошлари билан алоқаларни ўрнатган талабаларнинг чет элда иш топиш имконияти анча юқори бўлади. Энг малакали ўқитувчиларнинг Ғарбнинг нуфузли университетларига кетиши натижасида талабаларни тайёрлаш сифати, ўқитишининг илмий ва назарий даражаси, университетларда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг кўлами ва сифати пасаяди. Бунинг ўрнини чет эл ўқитувчиларининг алмашинув дастурларига келиши билан қоплаш мумкин эмас.

Яна бир муаммо. Болонъя тизимида асосан олти балли ягона баҳолаш тизими кўлланилади: А (аъло) - В (жуда яхши) - С (яхши) - D (қониқарли) - Е (ўртача) - F (қониқарсиз) ва ҳар бирининг фоиз нисбати берилган баҳолардан ECTS тизимига мувофиқ. Шубҳасиз, агар ушбу тавсиялар бажарилса, талабалар қандай билимларни намойиш қиласин, улар белгиланган фоиз ставкаси бўйича баҳо олишади.

Юкоридаги барча муаммолар позицияларни бир-бирига яқинлаштириш учун ечим, келишув, аниқлик ва тузатишларни талаб қиласиди. Болонъя жараёни Европада олий таълим тизимида кенг қамровли ўзгаришларни бошлаб юборди, бу Европа давлатларининг яқинлашуви, уларнинг Европа интеграцияси ва Европа Иттифоқининг кенгайиши жараёнида иштирок этишига олиб келди¹³.

Хулоса қилиб таъкидлаш жоизки, Европанинг ягона таълим тизимини яратиш ғояси самарали ва бугунги кун ҳақиқатларига мос келади, аммо ушбу тизимни амалга ошириш ҳали ҳам жиддий такомиллаштиришни талаб қиласиди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Байденко В.И. Болонский процесс: структурная реформа высшего образования Европы. М., 2002.
2. Европейское высшее образование. Что такое Европейское пространство высшего образования? <https://eurounis.com/2020/02/19/evropeiskoe-prostranstvo-visshego-obrazovaniya/>.
3. Капранова, В.А. Образовательные реформы: отечественный и зарубежный опыт /В.А.Капранова. Монография. Минск: БГПУ, 2007.
4. Методические рекомендации по внедрению в вузе системы зачетных единиц (кредитов) / [Текст] / Государственный университет управления, Центр качества; [сост. О.В. Давыдова, В.И. Звонников, М.Б. Чельышкова] - М.: ГУУ, 2010.
5. Обзор зарубежных кредит-систем (по материалам научных исследований, выполненных МГУ им. М.В.Ломоносова в рамках проекта ФПРО 2005 года и национального проекта 2006 года).
6. Сафонова, Т.Н. Из опыта применения европейской системы зачетных единиц (ECTS) / Т.Н.Сафонова // Труды 7-й международной научно-практической Интернет-конференции «Преподаватель высшей школы в XXI веке» - Ростов н/Д: Рост. гос. ун-т путей сообщения - 2009. - Сб. 7 - Ч.1.
7. The Magna Charta of University. - Bologna, 18 September 1988.
8. Convention on the Recognition of Qualifications Concerning Higher Education in the European Region. - Lisbon, 11 April 1997
9. Bologna Declaration. Joint Declaration of the European Ministers of Education Convened in Bologna on the 19th of June 1999.
10. Towards the European Higher Education Area. Communiqué of the Meeting of European Ministers in Charge of Higher Education in Prague. - May 19th, 2001.

¹³ Капранова, В.А. Образовательные реформы: отечественный и зарубежный опыт /В.А.Капранова. Монография. Минск: БГПУ, 2007. С.31.